

**SCIENCE**  
**PROBLEMS.UZ**

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences  
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar  
fanlarning dolzarb  
muammolari**

Son 11 Jild 4

**2024**

**SCIENCEPROBLEMS.UZ**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

***№ 11 (4) - 2024***

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2024**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### *07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:*

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Турсунов Равшан Нормуратович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Холикулов Ахмаджон Боймаҳамматович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Габриэльян Софья Ивановна – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий Университети.

Саидов Сарвар Атабулло ўғли – катта илмий ходим, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, илмий тадқиқотлар бўлими.

### *08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:*

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Насирходжаева Дилафруз Сабитхановна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Остонокулов Азамат Абдукаримович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент молия институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Хожаев Азизхон Саидалоҳонович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Фарғона политехника институти

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакарров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### *09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:*

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Саидова Камола Усканбаевна – фалсафа фанлари доктори, “Tashkent International University of Education” халқаро университети;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Ўроқова Ойсулов Жамолиддиновна – фалсафа фанлари доктори, доцент, Андижон давлат тиббиёт институти, Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудири;

Носирходжаева Гулнора Абдукаххаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

### *10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилевич – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳасанов Шавкат Аҳадович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Бахронова Дилрабо Келдиёровна – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Мирсанов Ғайбулло Қулмуродович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

#### 12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:

Аҳмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Эргашев Икром Абдурасулович – юридик фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич – юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

#### 13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Ҳашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Каюмова Насиба Ашуровна – педагогика фанлари доктори, профессор, Қарши давлат университети;

Тайланова Шохид Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент;

Жуманиёзова Муҳайё Тожиевна – педагогика фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Ибрахимов Санжар Урунбаевич – педагогика фанлари доктори, Иқтисодиёт ва педагогика университети;

Жавлиева Шахноза Баходировна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети;

Бобомуротова Латофат Элмуродовна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети.

#### 19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Шамшетова Анжим Караматдиновна – психология фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

#### 22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабобовна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси.

#### 23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

### ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари**” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

### Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

### Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).

## MUNDARIJA

### 07.00.00 – TARIX FANLARI

<i>Лутфиллаев Ҳамидилло Муродиллаевич</i> “ЖАВОҲИР АТ-ТАФСИР ЛИ ТУҲФАТ АЛ-АМИР” АСАРИНИНГ МАЗМУНИ ВА ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ ҲАҚИДА .....	12-17
<i>Эгамбергенов Ҳайтбой Ҳамидулло ўғли</i> ТОШ ДАВРИ АҲОЛИ МИГРАЦИЯЛАРИ (ЎРТА ОСИЁНИНГ ЖАНУБИЙ, ЖАНУБИЙ-ҒАРБИЙ ВА ҚУЙИ АМУДАРЁ ҲУДУДЛАРИ МИҚЁСИДА) .....	18-25
<i>Esonov Ziyodbek Yuldashevich</i> ҚО'ҚОН ХОНЛАРИ СУЛОЛАСИНИНГ ГЕНЕОЛОГИК ТАҲЛИЛИ .....	26-31
<i>Mamatqulov Bekzod</i> О'ЗБЕКИСТОНДА XX-АСРНИНГ 20-40-ЙИЛЛАРИДА СANOAT TARMOQLARINING RIVOJLANISHI VA KADRLAR TARKIBINI SHAKLLANTIRISH JARAYONLARI .....	32-38
<i>Asadova Ra'no Baymanovna</i> О'ЗБЕК- HIND MUNOSABATLARINING YANGI BOSQICHGA KO'TARILISHI: HAMKORLIK ISTIQBOLLARI .....	39-42
<i>Saidova Raxima</i> О'ЗБЕКИСТОН ВА ИТАЛИЯ MUNOSABATLARINING ME'YORIY-HUQUQIY MANBALARI ....	43-48
<i>Ortiqov Yosin Abdulboqiyevich, Ergasheva Ra'no Muzaffarbek qizi</i> AFROSIYOB ARXEOLIGIK YODGORLIGINING O'RGANILISH TARIXI .....	49-55
<i>Iriskulov Bekzod Jaxongirovich</i> TURKISTON GENERAL-GUBERNATORLIGI BYUDJETINING SARFLANISHIGA DOIR AYRIM MULOHAZALAR .....	56-60
<i>Mirsoatova Sayyora Turg'unovna</i> QOYATOSH SURATLARIDA IBTIDOIY DAVR IQTISODIY HAYOTINING AKS ETISHI .....	61-66
<i>Лухмонов Шахзод Сайфиддин ўғли</i> ВЛИЯНИЕ ДЕНЕЖНОЙ ЭМИССИИ В 1918-1920 ГОДАХ НА СОЦИАЛЬНО- ЭКОНОМИЧЕСКУЮ ЖИЗНЬ НАРОДОВ ТАССР .....	67-71
<i>Axmedov Bekzod</i> SOVET HOKIMIYATI TOMONIDAN O'ZBEKISTONDA QORAKO'LCHILIKNI RIVOJLANTIRISH TADBIRLARI.....	72-75
<i>Mamatov Jasurbek Qodirqul o'g'li</i> NAMANGAN VILOYATI ZIYORATGOHLARINING AHOLINING IJTIMOIIY HAYOTIDAGI O'RNI (UYCHI TUMANI DEVONA BUVA ZIYORATGOHI MISOLIDA) .....	76-80
<i>Saidaxmatov Sharifbek Toshpo'latovich</i> SURXONDARYO VILOYATI SANOATINI RIVOJLANTIRISH STRATEGIYASINING ASOSIY YO'NALISHLARI .....	81-88

*Ибрагимов Рахмон Зиёдуллаевич*

ТОШКЕНТ ВОҲАСИ ПАЛЕОМЕТАЛЛ ДАВРИ ЖАМИЯТИ ТАРАҚҚИЁТИДА ТАБИИЙ  
РЕСУРСЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ ..... 89-93

*Akrorov Botir Bakhodirovich*

ДОГОВОРНО-ПРАВОВАЯ БАЗА СОТРУДНИЧЕСТВА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН И ИРАНА  
В ГОДЫ НЕЗАВИСИМОСТИ ..... 94-99

## **08.00.00 – IQTISODIYOT FANLARI**

*Tursunov Bekmuxammad Omonovich*

IQTISODIYOTDAGI TARKIBIY O'ZGARISHLAR SHAROITIDA SANOAT KORXONALARI  
RAQOBATBARDOSHLIGINI TA'MINLASH MEKANIZMI TAKOMILLASHTIRISH ..... 100-108

*Muxitdinova Kamola Alisherovna*

«OLMALIQ KON-METALLURGIYA KOMBINATI» AJDA ISHLAB CHIQARILADIGAN  
MAHSULOTLARNING SANOAT KORXONALARIDA QO'LLANISHI ..... 109-115

*Madraximov Qaxramon Egamberganovich*

INNOVATSION FAOLIYATNI RIVOJLANTIRISH ORQALI IQTISODIY BARQARORLIKKA  
ERISHISH YO'LLARI: XORAZM VILOYATI MISOLIDA..... 116-125

*Кетманов Авазбек Маликович*

КИЧИК БИЗНЕС МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРИ САМАРАДОРЛИГИ ОМИЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ  
ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ..... 126-134

*Xolmirzayev Abdulxamid Xapizovich*

KAMBAG'ALLIKKA QARSHI KURASHISHNING OMILLARI..... 135-142

*Bahriddinov Jahongirbek Ravshanjon ogli*

MARKET MECHANISMS, METHODS OF PRICE FORMATION IN THE SYSTEM OF MARKETING  
OF GOODS AND SERVICES ..... 143-152

*Ilhamova Zarnigor Po'latjon qizi*

MINTAQA TURIZMINI RIVOJLANTIRISHDA RAQAMLI MARKETING TIZIMINI  
TASNIFI ..... 153-160

*Sharipov Komil*

MINTAQAVIY KAMBAG'ALLIKNI KAMAYTIRISHDAGI KICHIK BIZNESNING ROLI ..... 161-170

*Rajabov Navruzbek Azimjonovich*

MAISHIY XIZMAT KO'RSATISH SOHASINI RIVOJLANISHI VA KAMBAG'ALLIKNI  
QISQARTIRISHGA TA'SIR ETUVCHI OMILLAR TAHLILI ..... 171-179

*Mirzaeva Shirin Nodirovna*

SUPPORT AND DEVELOPMENT OF WOMEN'S ENTREPRENEURSHIP IN  
UZBEKISTAN..... 180-187

*Pardayev Rasulbek Islomovich*

TURIZM XIZMATLARI SIFATINI BAHOLASHNING USULLARI VA ULARNING  
TAHLILI ..... 188-196

*Bahodirov Shohruh Bahodir o'g'li*

SANOAT KORXONALARIDA INNOVATSION FAOLIYATNI BOSHQARISH  
XUSUSIYATLARI ..... 197-202

*Рахимов Бахромжон Ибрахимович*

ВНЕДРЕНИЕ ИННОВАЦИОННЫХ МЕТОДОВ ДЛЯ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОГО  
ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ВОДНЫХ РЕСУРСОВ ..... 203-209

*Zakirova Gulnora Mirzaliyeva, Madaminov Abdulaziz Anvarjon o'g'li*

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA EKSPORT VA IMPORT SALOHİYATI (NAMANGAN  
VILOYATI TAHLILIDA)..... 210-216

*Hasanov Ilkhom Isakovich*

IMPROVING THE FINANCING MECHANISM OF THE SCIENTIFIC SUPPLY SYSTEM IN THE  
AGRICULTURE OF UZBEKISTAN..... 217-221

*Ibragimova Nilufar Ziyadullayevna*

CHAKANA SAVDO KORXONALARIDA XIZMATLAR KO'RSATISHNING  
XUSUSIYATLARI ..... 222-227

*Maxmudov Jasurbek Ergashevich*

INNOVATION IQTISODIYOT SHAROITIDA KICHIK BIZNES SUBYEKTLARINI MOLIYAVIY  
JIHADAN QO'LLAB-QUVVATLASH TAHLILI ..... 228-233

*Ravshanov Nodirjon Begalievich*

TA'LIM XIZMATLARI BOZORIDA OLIY TA'LIM MUASSASALARI RAQOBATBARDOSHLIGINI  
OSHIRISHNING AHAMIYATI ..... 234-243

## **09.00.00 – FALSAFA FANLARI**

*Murtozayev Shahobiddin Baxriddinovich*

SHIHOIDDIN SUHRAVARDIY FALSAFIY QARASHLARIGA IJTIMOY-SIYOSIY  
VAZIYATLARNING TA'SIRI ..... 244-248

*Qutlimuratov Sardorbek Rustamovich*

XORAZM JADIDLARI MA'NAVIY MEROSINING YANGI O'ZBEKISTONDA YOSHLARINI  
VATANPARVARLIK VA BAG'RIKENGLIK RUHIDA TARBIYALASHDAGI AHAMIYATI..... 249-254

*Saburov Jaloliddin*

XVIII-ASR OXIRI VA XIX-ASR BOSHLARIDA BUXORO AMIRLIGIDA ILM-FAN VA MADANIY  
HAYOT RIVOJI ..... 255-260

*Jabborov Ikromjon Jumaniyozovich*

NAJMIDDIN KUBRO TA'LIMOTIDA "KOMIL INSON" TARBIYASI VA UNING AXLOQIY VA  
MA'NAVIY YUKSALISHGA OID G'OYALARNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI ..... 261-265

*Saidkulov Nuriddin Akramkulovich*

FORMATION OF PERSPECTIVES REGARDING SOCIETY'S STABILITY ..... 266-271

*Adilov Zafar Yunusovich*

MAHMUD AZ-ZAMAHSHARIY QARASHLARIDA SUV VA SHIFOBAXSH  
MEVALAR MASALASI ..... 272-277

*Yuldashev Farrux Abdurakhmanovich*

ON THE QUESTION OF THE UNIQUE ROLE OF THE PRINCIPLES OF HUMANITY AND  
PATRIOTISM IN THE DEVELOPMENT AND STRENGTHENING OF THE FUTURE OF THE  
YOUNG GENERATION ..... 278-282

*Ganiyev Baxodirjon Sodiqjonovich*

TADBIRKORLIK MADANIYATINING SENSUALISTIK VA AKSIOLOGIK XUSUSIYATLARINING  
IJTIMOIY-FALSAFIY TAHLILI ..... 283-287



**11.00.00 – FILOLOGIYA FANLARI***Baxronova Dilrabo*

PROTOTURKIYLARNING AMERIKA QIT'ASIGA KO'CHISHI: LEKSIK PARALLELLIZM VA ETIMOLOGIK-SEMANTIK TADQIQ ..... 288-295

*Daliyeva Madina*

DETERMINANTS OF COGNITIVE MODELING OF POLYSEMY OF LINGUISTIC TERMS IN ENGLISH, UZBEK, AND RUSSIAN LANGUAGES ..... 296-300

*Paluanova Khalifa*

STRATEGIES FOR ENHANCING PRAGMATIC COMPETENCE IN SECOND LANGUAGE ACQUISITION (SLA) THROUGH EFFECTIVE APPROACHES ..... 301-306

*Равшанов Махмуд*

СЕМАНТИКА ГЛАГОЛОВ В «ДИВАНИ ЛУГАТ-ИТ ТУРК» МАХМУДА КАШГАРСКОГО ..... 307-311

*Bekbergenova Gulaim Aijarikovna*

SEMANTIC CLASSIFICATION OF ENGLISH AND KARAKALPAK ANTHROPOCENTRIC PROVERBS ..... 312-318

*Normamatov Farrux Komiljon o'g'li*

MURAKKAB USLUBDAGI ASARLAR XUSUSIYATLARI VA UNDA FORMALIZM YONDASHUVI ..... 319-322

*Gulamova Dilobar Imamkulovna*

ADABIYOT DARSLIKLARDA EVFEMIZMLARNING QO'LLANILISHI VA TAHLILI ..... 323-326

*Xolmuxamedov Baxtiyor*

TERS LUG'ATLARNING ASOSIY XUSUSIYATI VA ULARNI TUZISH METODIKASI ..... 327-334

*Chorieva Iroda Kurbonboevna*

KASALLIK NOMLARI VA BELGILARI KELTIRILGAN INGLIZ VA O'ZBEK MAQOLLARINING LINGVOMADANIY XUSUSIYATLARI ..... 335-339

*Ganiyeva Orzigul Xayriddinovna*

XX ASR AMERIKA REALISTIK QISSACHILIGIDA POETIK KONSTRUKSIYA: SHAKL VA MAZMUN MASALASI ..... 340-345

*Расулова Камола*

ПОНЯТИЕ ТРАНСФОРМАЦИИ. ВИДЫ АВТОРСКИХ ПРЕОБРАЗОВАНИЙ ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКИХ ЕДИНИЦ ..... 346-353

*Омонов Турғунбой*

“СУҒУРТА” ТЕРМИНИНИНГ ЛИНГВИСТИК ТАЪРИФИ ..... 354-358

*Хакбердиева Сайёра Фармоновна*

ЛИНГВИСТИЧЕСКАЯ ОБЪЕКТИВИЗАЦИЯ ФРЕЙМА «МАТЬ» И «ОТЕЦ» В РУССКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ ..... 359-364

*Xolmirzayev Baxtiyor Mirzamahmudovich*

IJTIMOIY-SIYOSIY ASAR TARJIMASINING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI ..... 365-370

*Gubaydullin Artur Faridovich*

CHALLENGES OF TRANSLATION IN TERRY PRATCHETT'S "GOOD OMENS" ..... 371-376

*Abdullaeva Sevara Makhsudaliyevna*

EMOTIVE INTENSIFIERS OF ENGLISH AND RUSSIAN LANGUAGES ..... 377-381

*Baymuradova Gulbaxar Chari Qizi*

SURXONDARYO VILOYATI FITOTOPONIMLARINING STRUKTURGRAMMATIK

TAHLILI ..... 382-385

*Yuldasheva Nigora Baxodirovna*

INGLIZ VA O'ZBEK PAREMIYALARINI O'RGANISHNING AKSIOLOGIK JIHATLARI ..... 386-390

*Quljanova To'lg'anoy Shodiyor qizi*

ABDUVALI QUTBIDDIN SHE'RIYATIDA POETIK OBRAZLAR TAHLILI ..... 391-396

## **12.00.00 – YURIDIK FANLAR**

*Рузметов Хайрулла*

ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ МАНСАБДОР ШАХСЛАРИНИНГ  
КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ ..... 397-402

*Ачилова Лилия Илхомовна*

ТУРИСТИК ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ БЎЙИЧА ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ  
МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ УНИФИКАЦИЯСИ ЧЕГАРАЛАРИ  
РАҚАМЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА ..... 403-410

*Abdubannayev Umidjon*

AXBOROTGA BO'LGAN INSON HUQUQLARINI TA'MINLASHNING  
RIVOJLANISH BOSQICHLARI ..... 411-421

*Халиқулов Комолиддин Носирович*

ХОРИЖИЙ ДАВЛАТ СУДЛАРИНИНГ ҚАРОРЛАРИНИ ТАН ОЛИШ ВА ИЖРО ЭТИШДА  
ДАВЛАТ СУВЕРЕНИТЕТИ МАСАЛАЛАРИ ..... 422-427

*Тўраев Жавоҳир Усмон ўғли*

ХОДИМЛАР МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИНИШИ БЎЙИЧА ДАВЛАТ НАЗОРАТИ ВА  
ТЕКШИРУВИ ТУШУНЧАСИГА ОИД НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАР ..... 428-433

*Элмурзаев Билолиддин Нурмон ўғли*

ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ТЕРГОВЧИНИНГ ПРОЦЕССУАЛ  
МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ..... 434-439

*Djumaniyazova Dilfuza Kamalovna, Shayakubov Shomansur Shakabilovich*

IJTIMOIIY HAVF GURUHIGA KIRUVCHI YOSHLAR O'RTASIDA HUQUQBUZARLIKLARGA  
QARSHI KURASHISH BO'YICHA HORIIY TAJRIBA ..... 440-446

*Алиев Асилбек Кадирович*

КРИМИНОЛОГИЧЕСКИЕ (СОЦИАЛЬНЫЕ) ПРЕДПОСЫЛКИ И КОРНИ РАСПРОСТРАНЕНИЯ  
АЗАРТНЫХ ИГР СРЕДИ НАСЕЛЕНИЯ ..... 447-451

*Нодирахон Абдурахманова*

РЕГУЛИРОВАНИЕ ФИНТЕХА И КРИПТОВАЛЮТ: ОСНОВНЫЕ ВЫЗОВЫ И ПРАВОВЫЕ  
АСПЕКТЫ ..... 452-462

*Ғайбуллаев Соҳибжон Ғайбуллаевич*

РЕПО БИТИМЛАР – ТАЪМИНЛОВЧИ БИТИМ СИФАТИДА УМУМИЙ ТАВСИФ ..... 463-469

## **13.00.00 – PEDAGOGIKA FANLARI**

*Xusanova Mohira*

OLIY O'QUV YURTLARIDA TALABALARNI BAHOLASH SHAKLINI  
TAKOMILLASHTIRISH ..... 470-479

<i>Берикбаев Алишер Аликулович</i> ТАСВИРИЙ САНЪАТ ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ИЛҒОР ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ .....	480-483
<i>Yusupova Shoxista Alimjanovna</i> TALABALARNING TASVIRIY SAN'AT MASHG'ULOTLARIDA IJODIY QOBILIYATINI SHAKLLANTIRISH TEXNOLOGIYASI .....	484-489
<i>Yakubova Nafisa Odilyanovna</i> CHIZMACHILIK DARSLARIDA TALABALARNI IJODIY-KREATIV FIKRLASHGA O'RGATISH .....	490-494
<i>Musirmanov Shohboz Usmon o'g'li</i> TURIZM SOHASIDA KADRLAR TAYYORLASHDA AMALIYOT VA NAZARIYANING PEDAGOGIK UYG'UNLIGI .....	495-500
<i>Suvankulov Umid Ilxom o'g'li</i> MALAKA OSHIRISH JARAYONIDA PEDAGOGLARNING DISKURSIV KOMPETENSIYALARINI RIVOJLANTIRISH TEXNOLOGIYASI .....	501-505
<i>Ibragimov A'lamjon Amrilloevich</i> O'QITUVCHILARNI UZLUKSIZ KASBIY RIVOJLANTIRISHGA KOGNITIVFUNKSIONAL YONDASHUV .....	506-518
<i>Jo'rayeva Feruza Baxtiyor qizi, Mavlonov Shaxzod Shahobiddin o'g'li</i> TA'LIMDA KOMMUNIKATIV INNOVATSION VOSITALAR VA ULARNING IMKONIYATLARI .....	519-524
<i>Siddiqova Shahnoza Ahmedovna</i> SCIENCE XALQARO BAHOLASH TADQIQOTLARINING O'ZBEKISTONDA BIOLOGIYA O'QITUVCHILARINING TABIIY FANLAR SAVODXONLIGINI SHAKLLANTIRISHGA TA'SIRI .....	525-529
<i>Xoliqov Nasriddin Abdikarimovich</i> MILLIY IQTISODIYOT RIVOJLANISHINING SHARTI SIFATIDA TA'LIM, FAN VA BIZNESNING O'ZARO ALOQALARI MAZMUNI .....	530-534
<i>Javliyeva Shahnoza Bahodirovna</i> TA'LIM SIFATIGA YO'NALTIRILGAN O'QUV MATERIALLARINI YARATISH MODEL ..... 535-539	535-539
<i>Jumaboev Nabi Pardaboevich</i> TA'LIM SIFATIGA YO'NALTIRILGAN O'QUV MATERIALLARINI YARATISH MODEL ..... 540-545	540-545
<i>Kayumov Erkin Kazakbayevich</i> THE IMPORTANCE OF FINE ARTS IN SHAPING STUDENTS' PERCEPTION AND CREATIVITY .....	546-550
<i>Khojamqulov Rasulbek Kurban ugli</i> THE NEED TO DEVELOP COMPETENCY OF FUTURE ENGINEERS USING COMPUTER GRAPHICS .....	551-555
<i>Latipova Gavhar Shavkat kizi</i> TARIX YO'NALISHI TINGLOVCHILARI UCHUN KREATIV SALOHİYATNI RIVOJLANTIRISH DOLZARB PEDAGOGIK MUAMMO SIFATIDA .....	556-564
<i>Ernazarov G'olibjon Ne'matovich</i> ATROF- MUXITNING YUKORI XARORATIDA MUSHAK FAOLIYATI .....	565-568

**07.00.00-TARIX FANLARI – HISTORICAL SCIENCES****Received:** 31 October 2024**Accepted:** 5 November 2024**Published:** 15 November 2024*Article / Original Paper***ABOUT THE CONTENT AND COMPONENT PARTS OF THE WORK "JAVAHIR AT-TAFSIR LI TUHFAT AL-AMIR"****Lutfillaev Hamidillo Murodillaevich**

Institute of Oriental Studies, Academy of Sciences Republic Uzbekistan, senior researcher

**Abstract:** The development of science during the Timurid period is related to the written sources created in that period. They are mainly works related to exact sciences, literature, history and Islamic sciences. Among them, Husain Vaiz Koshifi's work "Jawahir al-tafsir li tuhfat al-Amir" is a work containing valuable information on the theory of tafsir.

**Key words:** "Khulasat al-akhbar", Husayn Vaiz Koshifi, "Jawahir al-tafsir", Holy Qur'an

**"ЖАВОҲИР АТ-ТАФСИР ЛИ ТУҲФАТ АЛ-АМИР" АСАРИНИНГ МАЗМУНИ ВА ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ ҲАҚИДА****Лутфиллаев Ҳамидилло Муродиллаевич**

ЎзР ФА Шарқшунослик институти катта илмий ходими

**Аннотация:** Темурийлар давридаги илм-фан ривожига ўша даврда яратилган ёзма манбалар билан боғлиқ. Улар асосан аниқ фанлар, адабиёт, тарих ва ислом илмларига оид асарлардир. Шулар қатори Ҳусайн Воиз Кошифийнинг "Жавоҳир ат-тафсир ли туҳфат ал-Амир" асари тафсир назарияси бўйича қимматли маълумотларни ўз ичига олган асар ҳисобланади.

**Калит сўзлар:** "Хулосат ал-ахбор", Ҳусайн Воиз Кошифий, "Жавоҳир ат-тафсир", Қуръони карим

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V4I11Y2024N01>

**Кириш.** Мазкур асарнинг ўзига хос ёзилиш тарихи ҳам бор. Жумладан, Хондамир "Хулосат ал-ахбор" асарида шундай маълумот келтиради: "... ҳозирда Хуросон диёрида ул жанобга (Кошифийга) тенг келадиган киши топилмайди, Қуръон тафсири ва Пайғамбар ҳадислари маъноларини покиза қилиб тушунтириб (уларни) абадийлаштирди" [6:4886]. Демак, ўша даврдаги Хирот илмий муҳитидаги олимлар ичида тафсир илмида Кошифий кўзга кўринган олимлардан саналган. Шу сабабли, Кошифий Қуръони каримга тафсир ёзишга киришади ва ўз асарини айнан Навоийга аталганлигини таъкидлаш мақсадида, "Жавоҳир ат-тафсир ли туҳфат ал-Амир" деб номлайди [5:5a].

**Муҳокама.** Кошифийнинг ушбу асарини таркибий жиҳатдан иккита асосий қисмга ажратиш мумкин:

1. Тафсир илмига доир маълумотлар;
2. “Фотиҳа”, “Бақара” ва “Оли-Имрон” сураларининг тафсири [5:5a].

Муаллиф асарнинг биринчи қисмида тафсир илмига доир маълумотларни 4 фаслга бўлган ҳолда баён қилади. Иккинчи қисмида эса, Қуръони каримнинг оятлари кенг тарзда шарҳланиб, ҳадислар, ривоятлар ва бир қанча форсий байтлар мисол тариқасида келтирилади.

“Жавоҳир ат-тафсир”да Қуръони карим мазмуни билан боғлиқ кўпгина масалалар ўрин олган ва таркибий жиҳатдан тўрт боб ва улар ўз навбатида йигирма икки бўлим (унвон)дан ташкил топган.

Биринчи боб тўртта бўлим: Қуръони каримнинг фазилатлари, унинг номлари ва Қуръоннинг махлуқ (яратилган) ёки ҳодис (пайдо бўлувчи) эканлиги ҳақида (5<sup>a</sup>-7<sup>a</sup> varaқлар); Қуръони каримнинг Китоб (Қуръон) ва суннат (ҳадис) да келтирилган муборак номлари (7<sup>a</sup>-11<sup>a</sup> varaқлар); Қуръоннинг махлуқ (яратилган) ёки ҳодис (пайдо бўлувчи) эканлиги ҳақида мазҳаблар ўртасидаги ихтилофга сабаб бўлган ўринлар (11<sup>a</sup>-13<sup>b</sup> varaқлар); Аллоҳ сўзлашининг ҳақиқати ва Унинг каломини эшитиш кайфияти ҳамда бу илмга доир маъқул кўрилган ва қайтарилган нарсалар баёни (13<sup>b</sup>-15<sup>b</sup> varaқлар).

Иккинчи боб бешта бўлим: Қуръоннинг жамланиши ва сон-саноксиз илмлардан бу китоб ўз ичига олган масалалар ҳақида (15<sup>b</sup>-18<sup>a</sup> varaқлар); Қуръондан диний илмларни ажратиб олиш хусусида (18<sup>a</sup>-20<sup>b</sup> varaқлар); Қуръонга бевосита алоқадор илмлар ҳақидаги боб (20<sup>b</sup>-24<sup>a</sup> varaқлар); Тафсир қилишда зарурий ҳисобланган ва фойдалари умумий бўлган илмлар баёни (24<sup>a</sup>-27<sup>b</sup> varaқлар); Тафсирга хос илмлар (27<sup>b</sup>-33<sup>a</sup> varaқлар).

Учинчи боб саккизта бўлим: Инзол (нозил қилиш) ва тартил (қироат қилиш) баёнида (33<sup>a</sup>-35<sup>b</sup> varaқлар); Ваҳийнинг маънолари ва қисмлари (35<sup>b</sup>-37<sup>a</sup> varaқлар); Суранинг маънолари ва унга тегишли нарсалар (37<sup>a</sup>-38<sup>b</sup>); Оятларнинг маънолари, уларга мансуб бўлган нарсалар (38<sup>b</sup>-39<sup>b</sup> varaқлар); Калималарнинг маънолари уларга тегишли нарсалар (39<sup>b</sup>-40<sup>a</sup> varaқлар); Ҳарфлар, нуқталар ва ҳаракатларнинг маъноси баёнига доир (40<sup>a</sup>-43<sup>b</sup> varaқлар); Тафсир ва таъвилнинг маънолари хусусида (43<sup>b</sup>-46<sup>a</sup> varaқлар); Муташобеҳ<sup>1</sup> (оят)ларнинг таърифи (46<sup>a</sup>-48<sup>b</sup> varaқлар).

Тўртинчи боб олтита бўлим: Қуръон жамланишининг баёни (48<sup>b</sup>-50<sup>b</sup> varaқлар); Тафсир илмининг шарофати ҳақида (50<sup>b</sup>-53<sup>a</sup> varaқлар); Қуръони каримнинг мўъжизалари ва унга жамланган ҳикматлар (53<sup>a</sup>-59<sup>b</sup> varaқлар); Баъзи сура ва оятларнинг фазилатлари, хосиятлари ва фойдалилиги баёни (59<sup>b</sup>-62<sup>b</sup> varaқлар); Тадаббур ва тафаккур шартлари ҳамда одоблари (62<sup>b</sup>-69<sup>a</sup> varaқлар); Ишоратлар ва ҳақиқатлар баёнида орифлар зикри (69<sup>a</sup>-140<sup>b</sup> varaқлар).

Биринчи бобнинг дастлабки бўлимида муаллиф Қуръони каримнинг фазилатлари ва мукаммал сифатлари ҳақида сўз юритади ва илоҳий китобларнинг нозил бўлиш тарихига тўхталади. У жумладан, шундай ёзади:

“Аллоҳ таолонинг пайғамбарларга юборган, яъни нозил қилган китоблари 104 та эканлиги уламолар томонидан маъқулланган. Жумладан, Шисга – 50 саҳифа, Идрисга – 30 та саҳифа, Иброҳимга – 20 саҳифа, Мусога – Таврот, Довудга – Забур, Исога – Инжил ва Муҳаммад салавотуллоҳи алайҳи ва алайҳим ажмаъийнга – Қуръон нозил бўлган” [2:5a].

<sup>1</sup> Муташобеҳ – Қуръонда маъноси яширинган оятлар.

Ҳусайн Воиз Кошифий уламолар ўртасида ихтилофли бўлган масалалар, яъни Иброҳим пайғамбарга, юқоридагилардан ташқари, яна 10 та саҳифа, Мусо пайғамбарга Фиръавн сувга ғарқ бўлгандан кейин унинг қавмига 10 та саҳифа келтирилганини ҳам ёзган. Муаллиф бу ўринда воқеаларни баён қилишдан мурод нечта илоҳий китоб борлигини санаш эмас, балки Аллоҳ таолонинг нозил қилган китобларига иймон келтиришдир, деб ўз мақсадини таъкидлаб ўтади.

**Натижалар.** Фикримизча, Кошифий бу ўринда мусулмонлар учун фарз амаллардан бири ҳисобланган Аллоҳнинг нозил қилган китобларига иймон келтириш уларнинг ададини билишдан кўра муҳим эканини эътироф этади.

Мазкур бобнинг иккинчи бўлими — “Қуръони каримнинг Китоб (Қуръон) ва суннат(ҳадис)да келтирилган муборак номлари” деб аталиб, унда муаллиф оятлардан далил келтирган ҳолда Қуръоннинг қуйидаги номларини санаб ўтади: Қуръон, Каломуллоҳ, Фурқон, Китоб, Зикр, Оят, Танзил, Аҳсан ал-ҳадис, Мавъиза, Тазкира, Ҳукм, Ҳикмат, Ҳаким, Муҳаймин, Шифо, Ҳидоят, Сирот ал-мустақийм, Нур, Ҳабл, Раҳмат, Руҳ, Баён, Тибён, Басоир, Фасл, Муборак, Нужум, Мажид, Азиз, Карим, Азим, Башир, Қаям, Неъмат, Мубин, Бурҳон, Назир, Балоғат, Фазилат, Табсира, Амр, Ҳақ, Сидқ ва адл, Таййиб, Олий, Ажаб, Арабий, Урват ал-вусқо, Фасл, Қасос, Қасам, Калом, Масоний, Муфассал, Макнун, Мунодий, Мусодиқ, Муташобеҳ, Набаун, Сирож, Мунир, Ваҳий, Тасдиқ, Сухуфан мутоҳҳара, Хужжат, Қавл, Афзал [2:21a].

Ушбу бобдаги кейинги мавзуларда Қуръони каримни ўрганиш учун зарур ҳисобланган қатор қоидалар (муаллиф уларни “илм” деб номлаган) қуйидагича санаб ўтилади: расм ал-хат (ёзув шакли)<sup>1</sup>; маърифат ал-махориж (ҳарфларнинг махражлари (чиқадиган ўрни)ни билиш); илми сифат ал-хуруф (ҳарфларнинг сифати ҳақидаги илм); илми тажвид (Қуръонни қоидали ўқиш илми); теъдоди оя ва-с-сувар (оят ва сураларнинг ададини билиш илми); илми вуқуф (оятлар орасида тўхташ илми); илми тамийз (оятларни фарқлаш илми); муташобеҳот (маъноси яширинган) оятлар; илми луғат (сўз маънолари ҳақидаги илм); илми абния (турланмайдиган – охири ўзгармайдиган исмлар ҳақидаги илм); илми эъроб (турланадиган – охири ўзгарадиган исмлар ҳақидаги илм); илми қироат (Қуръонни тартиб ва тартил билан ўқиш илми); илми маъоний (маънолар ҳақидаги илм – риторика); илми баён (баён илми); илми бадийъ (бадийят илми); илми вужуҳ ва низом (Қуръон нозил бўлиши сабаблари ва қоидалари); ғариб ал-Қуръон (Қуръондаги нозик иборалар); далоили эъжоз (Қуръоннинг мўъжизалигига далиллар); илми рад ал-муоризийн (мунозарачиларга раддия бериш илми); илми назм ал-оёт ва-с-сувар (сура ва оятлар тузилиши ҳақидаги илм); илми сабаб ан-нузул ([оятларнинг] нозил бўлиш сабаби илми); илми тартиб ан-нузул (оятларнинг нозил бўлиш тартиби ҳақидаги илм); илми носих ва мансукх (ҳукми бекор бўлган ва уларни бекор қилган оятлар ҳақидаги илм); илми таъвил (таъвил<sup>2</sup> илми); илми қисас ва ахбор ([Қуръондаги] қиссалар ва хабарлар ҳақидаги илм); илми насиҳат ва иршод (насиҳат қилиш ва тўғри йўл кўрсатиш илми); илми ахлоқ (ахлоқ илми); илми ҳадис

<sup>1</sup> Расм ал-хат – Қуръони каримнинг расмий, қабул қилинган ёзуви. Яъни Мусҳафи шарифнинг халифа Усмон даврида жамланган ва мусулмонлар оммаси томонидан қабул қилинган нусхаларига мувофиқ эканлигини ўрганувчи илм.

<sup>2</sup> Таъвил – луғавий маъноси қайтмоқ бўлиб, Қуръони каримда тафсир, таъйин, офият, оқибат, тушнинг таъбири, амалга оширилган ишнинг сабаби қабилар хусусида сўз борганда зикр қилинган.

(ҳадис илми); илми калом (калом илми); илми фикҳ (фикҳ илми); илми ҳақоик (тасаввуф илми).

Мазкур илмлар Қуръони каримга бевосита тааллуқли бўлиб, буларни билиш ҳар бир муфассир олим учун зарур ҳисобланган. Демак, Кошифий ҳам Қуръони каримга тафсир ёзишга киришишдан аввал бундай илмларни мукамал эгаллаган, дея оламиз.

Асарнинг биз фойдаланаётган қўлёзма нусхасида “Фотиҳа” сураси 227 varaқ ҳажмда (127a-354a) тафсир қилинган. Муаллиф “Фотиҳа” сураси оятлари маъноларини шарҳлашдан олдин унинг ўнта номи борлигини айтади ва уларни бирма-бир санаб ўтади<sup>1</sup>. Қўлёзманинг 354b varaғидан Бақара сурасининг тафсири бошланади. Муаллиф мазкур сура оятлари маъноларини шарҳлар экан, дастлаб унинг тўрт номи – Бақара (Сигир), Фустот (Уй), Сином (Қоя), Заҳро (Ёруғлик) номлари борлигини ва унинг биринчи номи – “Бақара” кенг тарқалганини айтади<sup>2</sup>. Суранинг мазкур ном билан аталиши ундаги 67-73 оятларда келтирилган ва Мусо пайғамбар қавми ҳақидаги ривоят билан боғлиқ<sup>3</sup>. Шунингдек муаллиф Бақара сурасининг оятлари 286 та эканини алоҳида қайд этган[2:354b]. Маълумки, Бақара сураси Қуръони каримдаги энг узун сура саналади ва “ҳарфи муқаттаъа” (узук, бир-биридан ажралган ҳарфлар)<sup>4</sup> билан бошланади. Муаллиф бу ҳақда Али ибн Абу Толиб ва Абдуллоҳ ибн Асад Ёфеъий ал-Яманийдан нақллар, Абулфарат Абдурраҳмон ибн Али ибн ал-Жавзий ал-Бағдодийнинг “Тафсири зод ал-масир фи илм ат-тафсир”, Имом Бурҳониддин қаламига мансуб “Лубоб ат-тафосир” (яна бир номи “Тафсири Кирмоний”) [2:350a] ва муаллифи номаълум “Канз аз-зокирин” каби асарларидан далиллар келтириб, уламолар томонидан айтилган 25 та фикрни баён қилади. Баъзилар “ҳарфи муқаттаъа” суранинг номи десалар, яна бир гуруҳ муфассирлар Қуръоннинг исми, деган фикрни айтадилар, аслида эса, “ҳарфи муқаттаъа”нинг маъноси Аллоҳ таолонинг ўзигагина маълум, деб хулоса қилади Кошифий [2:355a-367a]. Бундан кўринадики, муаллиф ҳарфи муқаттаъани бир неча манбаларга таяниб, изоҳлашга ҳаракат қилса-да, лекин унинг маъноси хусусида чуқур фикр юритмаган.

Қўлёзманинг 367a varaғидан бошлаб, ушбу суранинг 2-ояти шарҳланган ва ундаги ذلک (“залика”) сўзининг маъносига “Баҳр ал-ҳақоик” номли китобдан нақл келтирилган. (کتاب) (“китоб”) сўзининг маъносини шарҳлаганда “Ҳақоики Суллаймий” номли асардан ривоят келтирилган [2.367a]. Яна шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки,

<sup>1</sup> Фотиҳа сурасининг номлари: фотиҳат ал-китоб, ум ал-китоб, ум ал-Қуръон, сабъ ал-масоний, вофия, кофия, шофия, асос, салавот, ҳамд (қаранг: мазкур қўлёзма 7<sup>6</sup> varaқ).

<sup>2</sup> Қуръони каримнинг бошқа суралари ҳам ҳар хил номлар билан аталади. Масалан, 17-сура “Ал-Исро”нинг иккинчи номи “Бани Исроил”дир.

<sup>3</sup> Илгари яҳудийларда сигирга сиғиниш ҳоллари ҳам бўлгани сабабли, ўша даврда сигирни сўйиш таъқиқланган эди. Сигирга сиғинувчи қавм орасидан бир одам ўлдирилиб, унинг қотили топилмаганда, Аллоҳ яҳудийларга бир сигирни сўйиб, унинг бир парчаси билан ўликни уришни буюрган. Шундай қилинганда ўлик тирилган ва қотилнинг кимлиги аниқланган. (Батафсилроқ қаранг: Қуръони карим - Ўзбекча академик изоҳли таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи М. Усмон. – Тошкент: 2004. – Б. 69, 77-78.)

<sup>4</sup> Қуръони каримда 29 та сура шундай ҳарфлар билан бошланади. Сураларда ҳарфлар сони бир хил эмас, баъзиларида битта ёки иккита ҳарф (масалан, 68-сурада “Нун” (ن), 36-сурада “Йо, Син” (يس), 40-46 сураларда “Ҳо, Мим” (حم), кўп сураларда 3-5 та ҳарфдан иборат (масалан, 10-12-сураларда ва 14-15 сураларда “Алиф, Лом, Ро” (الر)13-сурада “Алиф, Лом, Мим, Ро”(الر) ва ҳоказо) ҳолда келади. Ислом илоҳиётида бу ҳарфларнинг келиб чиқиши ва мазмуни номаълум. Аксарият уламолар бунинг сири Аллоҳнинг ўзигагина маълум деб иттифоқ қилганлар.

Кошифий мазкур асарини ёзишда тафсир қилишнинг оятни оят билан<sup>1</sup>, маъсур<sup>2</sup> ва ишорий<sup>3</sup> услубларидан кенг фойдаланган. Масалан, бир оятни бошқа оят билан шарҳлашга Бақара сурасининг 4-оятини (“Сенга юборилганга ва сендан илгари юборилганга имон келтирувчилар ҳамда ўз охиратиغا эътиқод қилувчилар учун дастурдир”) шарҳлаганда “Аъроф” сурасининг 3-оятини (“Парвардигорингиз тарафидан сизга юборилганга эргашингиз, ундан бошқа васийларининг изидан бормангиз. Сизлар кам эсга оласизлар”) далил келтиради.

Бундай ёндашув бошқа оятларни шарҳлаганда ҳам кузатилади. Албатта муаллиф ҳамма жойда ҳам бир оятни шарҳлаш учун бошқа оятга мурожаат қилавермайди, балки ҳадис ва бошқа манбалардан ҳам ўша оят шарҳи учун иқтибослар ёки нақллар келтиради.

**Хулоса.** “Жавоҳир ат-тафсир” устида олиб борилган тадқиқотлар натижасида маълум бўладики, муаллиф асарни ёзишда манба сифатида биринчи навбатда Қуръон, ҳадиси қудсий<sup>4</sup> ва Муҳаммад пайғамбарнинг ҳадисларини асос қилиб олган. Шу билан бирга, у бошқа тафсирлардан кенг фойдаланган. Асарда Маҳмуд Замахшарийнинг “Тафсири Кашшоф”<sup>5</sup>, Абуллайс Самарқандийнинг (ваф. 375/985) “Баҳр ал-улум”, Абу Ҳомид Ғаззолийнинг (ваф. 505/1111) “Жавоҳир ал-Қуръон ва дарруҳу”, Фахриддин Розийнинг (ваф. 605/1209) “Мафотих ал-ғайб”, Қози Байзовийнинг (ваф. 685/1286) “Анвор ат-танзил ва асрор ат-таъвил”<sup>6</sup>, Хожа Муҳаммад Порсонинг “Тафсири Хожа Муҳаммад Порсо”, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абубакр ал-Қуртубийнинг “Тафсири Қуртубий” каби асарларни киритиш мумкин<sup>7</sup>.

“Жавоҳир ат-тафсир”нинг тадқиқидан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, теурийлар даври, хусусан Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлик қилган йилларида Алишер Навоийнинг саъй-ҳаракатлари билан Ҳиротда кўплаб иқтидорли олимлар йиғилган. Улар илм-фаннинг бир қатор соҳаларида фаолият олиб борганлар, ўз навбатида тасниф ишлари билан ҳам шуғулланганлар. Навоий ҳар бир олимнинг иқтидорига қараб тегишли вазифалар берган. Унинг таклифи асосида ёзилган “Жавоҳир ат-тафсир” асарида биринчи навбатда тафсир илми назарий жиҳатдан очиб берилган. Иккинчи қисмидан эса, бевосита Қуръони карим суралари тафсири ўрин олган.

### Адабиётлар/Литература/References:

1. Рафаэль Альтамира-и-Кревеа: История средневековой Испании. Том 1. – Москва: Евразия, 2018. – 660 с.

<sup>1</sup> Қуръони каримда қисқа ёки узун маъноли оятлар бўлиб, бир хил мазмунли оят бир жойда қисқароқ келса, бошқа жойда муфассалроқ ҳолда учрайди. Бундан муфассирлар унумли фойдаланган.

<sup>2</sup> Тафсири би-л-маъсур – Қуръони каримни оятлар, ҳадислар ва саҳобаларнинг сўзлари ёрдамида тафсир қилиш усули бўлиб, тафсири нақлий, тафсири осорий ва тафсири ривойий деб ҳам аталади.

<sup>3</sup> Тафсири ишорий – ишора билан қилинган тафсир, бунда муфассир оятнинг зоҳирий маъносига эмас, балки унинг мафҳий ишораларига қараб тафсир қилади.

<sup>4</sup> Ҳадиси қудсий – маъноси Аллоҳ таолоники бўлиб, айтилиши Муҳаммад (с.а.в.)дан бўлган ҳадислар. Улар ҳадиси раббоний, ҳадиси илоҳий деб ҳам аталади. (бу ҳақда яна қаранг: Ислом энциклопедияси, – Б. 303).

<sup>5</sup> Қўлёманинг 1<sup>6</sup> варағида “Кашшоф ҳақоик ат-таъвил” деб, бошқа ўринларда, масалан, 21<sup>6</sup> варақда “Соҳиби Кашшоф” деб ёзилган.

<sup>6</sup> Қўлёманда “Анвор ат-танзил” деб ёзилган.

<sup>7</sup> Асарда номлари келтирилган манбаларни аниқлашда биз асосан Ҳожи Халифанинг “Кашф аз-зунун ан асоми ал-кутуб ва-л-фунун” китобидан ва нашр этилган феҳристлардан фойдаландик.



2. Варьяш О. И. Пиренейские тетради. М.: Наука, 2006. 451 с.
3. Кеймен Г. Испания. Дорога к империи. М.: АСТ, 2008. – 768 с.
4. Корсунский А.Р. История Испании IX – XIII веков (социально экономические отношения I политический строй Астуро-Леонского I Леоно-Кастильского коловства). М., «Высшая школа», 1976.
5. Крылов К.Е. От реконкисты к конкисте — предпосылки создания испанской колониальной империи // вестник Санкт-Петербургского университета. Сер. 2, Вып. 1. 2014. – С. 131-141.
6. Кудрявцев А. Е. Испания в средние века. М.: Изд-во ЛКИ, 2007. 288 с.

**SCIENCEPROBLEMS.UZ**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

*№ 11 (4) – 2024*

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг  
долзарб муаммолари**” электрон  
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-  
сонли гувоҳнома билан давлат  
рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM”  
масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой  
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-  
уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).